

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017.1.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**СОЛИЕВА ГУЛБАХОР АХМАДЖАНОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА КИТОБ САВДОСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА  
УНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ**

**08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.4.Phd/iqt411 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган муҳандислик - технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.sies.uz](http://www.sies.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Пардаев Мамаюнус Каршибоевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Қурбонов Зиёд Ниязович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Маҳкамов Бахтиёр Шухратович**  
иқтисодиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.18.01.рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил \_\_ \_\_\_\_\_ соат \_\_:\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.:(998 66) 231-07-45; Факс:(998 66) 231-12-53; E-mail: ilm@sies.uz

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй. Тел.:(998 66) 233-34-76; Факс:(998 66) 231-12-53; E-mail: ilm@sies.uz

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Э.Пўлатов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

**И.С.Тухлиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

**М.М.Мухаммедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон аҳолиси интеллектуал салоҳиятининг ошиб бориши китобларни нашр этиш ва сотиш хизматларининг ташкил этилганлигига бевосита боғлиқдир. Шунинг учун бугунги кунда қатор ривожланган мамлакатлар китоблар нашри ва савдоси бўйича етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Фақат АҚШ, Германия, Франция, Англия каби мамлакатлар китоблар савдосининг умумий ҳажми 100 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, жаҳонда етакчилик қилмоқда. Манбаларда таъкидланишича Россия аҳолиси бир ҳафтада ўртача 7,5 соат китоб ўқийди ва Ҳиндистон, Тайланд, Хитой, Филиппин, Миср ва Чехиядан кейин 7 ўринда туради<sup>1</sup>. Ушбу кўрсаткичлар даражаси мамлакатимизда анча пастлигича сақланиб қолаётганлиги мазкур соҳани тадқиқ қилиш ва такомиллаштириш заруратини кўрсатади.

Жаҳон миқёсида китоб савдосини ривожлантириш ва уни самарали ташкил этиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Буларга китоб савдосида инновацион усуллардан фойдаланган ҳолда медиа-технологияларни қўллаш, интернет ва электрон савдони йўлга қўйиш, почта орқали китоб савдосини ташкил этиш, аҳолида китоб ўқиш маданиятини ошириш, китобларни сотиш ва тарқатишда илғор коммуникация технологиялардан самарали фойдаланиш асосида соҳанинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни киритиш мумкин.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ноширлик ва матбаа соҳалари корхоналарига илғор фан-техника ютуқлари жорий этилиб, замонавий даражага кўтарилди, нашр этилаётган китоблар ва барча босма маҳсулотлар сифати яхшиланди. Аммо барча савдо объектлари қаторида китоб дўконлари ва улгуржи савдо омборлари хусусийлаштирилиб, уларнинг ўз фаолиятини ўзгартириши, нашр қилинган китобларнинг дўконларга тарқатиш тармоқлари ишламаётганлиги, аҳолини китобга бўлган талабининг пасайишига сабаб бўлди. Шунингдек, ахборот-телекоммуникация тизимини ривожланиши, электрон китобларни чоп этилиши, интернетдан фойдаланиб ахборотлар олиш каби омиллар китоб савдосида ҳам рақобатни кучайишига олиб келди, натижада китобларни нашр этиш, тарқатиш ва сотиш муаммосини кескинлаштирди. Ушбу ҳолатлар китоблар нашри ва савдосини ривожлантиришга оид илмий тадқиқотнинг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони, 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сон қарори

---

<sup>1</sup>Дайжест исследования. “Книжный рынок России”. [www. Bookmix.ru](http://www.Bookmix.ru).

ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устивор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Китоб савдосини ривожланиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича илмий-назарий жиҳатлари кўплаб хорижлик олимларнинг тадқиқот йўналишидир. Бу борада Hirschman E.C., Hjorth A., Robert A., Carter R.R., Kamakura W.A., Basuroy S.J., Weisspfenning K.S. кабиларнинг илмий ишлари классик ишларга айланган<sup>2</sup>. Санаб ўтилган тадқиқотчилар илмий ишларида китоб маркетингини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссасига қарамай, китоб савдосини ривожлантиришда унинг асосий аргументларини, муаллифнинг мақомини, китобнинг жанр ва мазмунини, китобнинг ҳажми ва нархи каби омилларнинг сотиш масаласига таъсирини ўрганиш муаммолари ўз ечимини топмаган.

МДҲ олимлари ичида Д.И.Правдин, В.Б.Рамзес, Н.В.Аверина, Н.А. Трухачева, А.Б.Берштадт, В.М.Усоскина ва бошқалар<sup>3</sup> хизматлар соҳаси бўйича катта илмий изланишлар олиб борганлар. Улар томонидан “китобга” жамиятни тарбиялаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган аниқ мазмунли ахборотларни ўз аксини топган бўлиб, китоб сотишнинг замонавий усулларида фойдаланиш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган.

Ўзбекистонлик олимлардан Юсуф Хос Хожиб, Ё.А.Абдуллаев, Б.А.Абдукаримов, З.Н.Қурбанов, З.Дж.Адилова, М.Т.Алимова, М.Р.Болтабаев, Д.Р.Зайналов, Қ.Ж.Мирзаев, Б.Н.Наврўззода, И.Очилов, М.Қ.Пардаев, М.М.Мухаммедов, М.Э.Пўлатов, А.С.Солиев, Н.Т.Тухлиев, И.С.Тухлиев, К.Б.Уразов ва бошқалар<sup>4</sup> хизматлар соҳасининг илмий

<sup>2</sup>Hirschman, E.C., & Holbrook, M.B. 1982, Summer, Hedonic consumption: Emerging concepts, methods and propositions. Journal of marketing, 46, 92-101.; Hjorth Andersen, C. (2000). A model of the Danish book market. Journal of Cultural Economics, 24(1), 27-43.; Trade Book marketing, Arzactica guide. Edited by Robert A., Carter R.R. Company New York. London, 1983; Kamakura, W.A., Basuroy, S., & Boatwright, P. (2006). Is silence golden? An inquiry into the meaning of silence in professional product evaluations. Quantitative Marketing & Economics, 4, 119-141.

<sup>3</sup> Правдин Д.И. Развитие непроектной сферы: темпы, пропорции и перспективы. М. Экономика, 1976.; Рамзес В.Б. Социально-экономическая роль сферы услуг в современной Японии. М. 1975.; Аверина Н.В. Реклама в книжной торговле. современные стратегии и методы. автореферат дисс. у.ст.к.э.н. СПб., 2011.; Трухачева Н.А. Книжный рынок как предмет социологического анализа. дисс. у.ст.к.с.н. Москва. 2003.; Берштадт А.Б. Реклама книги в книговедении и издательском деле. дисс. у.ст.к.с.н. Москва. 2009.; Сфера услуг в США. Академия наук СССР. Институт Мировой экономики и международных отношений. Под ред. В.М.Усоскина. М. “Наука”, 1985.

<sup>4</sup>Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим). Тошкент, 1971.; Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари. - Т.: «Меҳнат», 2002.; Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: «Иқтисод-Мoliya», 2010.; Курбанов З.Н. Маълумот китоб савдоси фаолиятини бухгалтерия ҳисоби ва тахлилини такомиллаштириш. и.ф.н. даражасини олиш учун ёзилган диссерт.автореферати – М.:МКИ, 1992 й.-18 б., Адилова З.Дж. Халқаро бозорларга экспорт маҳсулотларини йўналтиришнинг маркетинг стратегияси. И.ф.д. илм.дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. - Тошкент, 2008. – 358 б.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари.// Монография. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2015. – 300 б.;

муаммоларини тадқиқ этганлар. Бироқ, мамлакатимиз олимлари томонидан мустақиллик йилларида китоб савдоси бўйича илмий изланишлар деярли олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Наманган муҳандислик-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда китоб савдосининг ривожланиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

китоб савдоси билан боғлиқ хизматларнинг аҳоли интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини шакллантиришдаги аҳамиятини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш;

нашриёт матбаа ижодий уйлари маркетинг бўлими иши самарадорлигини оширишга қаратилган китоблар бозорини тадқиқ этишнинг сегментлаш ва китобларни тақдимот қилиш, китобхонлар билан алоқани ривожлантириш усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

мамлакатимизда китоб савдоси билан шуғулланадиган субъектларининг ночор молиявий ҳолатларига аниқлик киритиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини таъминлаш учун давлат имтиёзлари берилиши бўйича таклифларни асослаш;

нашриёт иши ва китоб савдосининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишда медиа-технологияларидан фойдаланиш асосида сотишни рағбатлантириш усуллари бўйича китобларни рекламаси, ҳамда аҳолига тақдимот қилиш йўллари ишлаб чиқиш;

китоб савдоси ва ноширлик ишларининг хусусийлаштирилганлигини инобатга олиб, “Ўзбекистон ноширлари ва китоб савдоси миллий ассоциацияси” нодавлат-нотижорат ташкилоти сифатида ташкил этиш таклифини асослаш;

китоб дўконларидаги хизмат кўрсатиш маданиятини янада ошириш учун савдо технологиялари ва жараёнларини такомиллаштириш ҳамда улар фаолиятида янги медиа-технологияларидан фойдаланиш имкониятларини

---

Болтабаев М.Р. “Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси”. И.ф.д. дисс.автор. Т.2005; Зайналов Д.Р. Услуги сервиса, как экономическая категория. “Сервис” Ж №1, 2009.; Мирзаев Қ.Ж. Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик масалалари. Монография. –Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2010 й.; Наврўззода Б.Н. Маркетинг: Бозорни билиш маҳорати. Ўқув методик қўлланма. Бухоро, 2006.; Очилов И. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. - Т.: “Iqtisod-moliya”, 2011.; Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография, Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2011-172 б.; Пардаев М., Мирзаев Қ, Пардаев О. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2014. 384б.; Пардаев М.Қ., Мухаммедов М.М. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш – устивор масала. “Сервис” Ж. №1, 2009.; Пўлатов М.Э. Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореферати. Тошкент., ТДИУ. 2017 й. 63 б.; Солиев А.С. Marketing. Дарслик. - Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2010.; Тухлиев Н.Т. Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли. - Т.: “Ўзбекистон”, 1999.; Тухлиев И.С. ва бошқа муаллифлар. Туризмни режалаштириш. Дарслик. -Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2010.; Уразов К.Б. Савдода бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш.-Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ”, 2007.

оширувчи ташкилий-иқтисодий механизмни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

чакана савдо шохобчаларнинг ривожланиш тенденцияларини тахлил қилиш, уларнинг самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва хизмат кўрсатиш маданиятини оширишнинг илмий-назарий ва услубий йўналишларини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида нашриёт-матбаа ижодий уйлари ва китоб савдоси тизимида фаолият кўрсатаётган Тошкент шаҳри ва Наманган вилоятидаги тадбиркорлик субъектлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, Ўзбекистонда китоб савдосининг ривожланиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш жараёнларида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда иқтисодий ва статистик таҳлил, эмпирик баҳолаш, иқтисодий-математик, эконометрик моделлаштириш, эксперт баҳолаш кузатув, анкета сўров усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

нашриёт-матбаа ижодий уйлари маркетинг бўлими самарадорлигини оширишга қаратилган китобларни тарқатиш ва аҳолини китобга қизиқишини янада ошириш учун очиқ оммавий тақдимотни кучайтириш ҳамда китоб бозорларида бўлажак китобхонларни гуруҳ (сегмент)ларга ажратиш таклиф қилинган;

нашриёт иши ва китоб савдосининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишда медиа-технологияларидан ва интернет реклама воситаларидан фойдаланиш, сотишда сотувчилар ҳамда харидорларни моддий рағбатлантириш усуллари такомиллаштирилган;

китобхонликни ривожлантириш ва китоблар нашрини кўпайтириш мақсадида нашр қилинган китобларни ҳудудларга тарқатиш бўйича улгуржи савдосини ривожлантириш, дўконларда хизмат кўрсатиш маданиятини малакавий кадрларни тайёрлаш эвазига ошириш таклифи асосланган.

китоб савдоси ва китобхонликни ривожлантириш мақсадида “Ўзбекистон ноширлари ва китоб савдоси миллий ассоциацияси”ни нодавлат-нотижорт ташкилоти сифатида ташкил этиш ва унинг мақсади, вазифалари ҳамда бошқаруви таркиби бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Китоб дўконларидаги хизмат кўрсатиш технологиялари ва жараёнларини такомиллаштириш ҳамда улар фаолиятида янгича медиа-технологияларидан фойдаланиш механизми ишлаб чиқилган ва ушбу тавсия “Шарқ Зиёкори” китоблар маркази бошқарувига ва Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги субъектлар фаолиятига жорий қилинган;

“Шарқ Зиёкори” китоблар маркази дўконларининг технологик жараёнларини такомиллаштириш бўйича харидорларни ўз-ўзига хизмат қилиш усули, савдо залида китобларни янгича гуруҳлаш ва харидорларга намойиш қилиш таклифлари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига қарашли нашриёт матбаа-ижодий уйларида маркетинг бўлими хизматларини янада самарадорлигини

оширишда китоблар нашри, улгуржи ва чакана савдо фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган ва амалиётда фойдаланилмоқда;

таклиф этилган “Ўзбекистон ноширлари ва китоб савдоси миллий ассоциацияси” нодавлат-нотижорат ташкилотининг бошқарув модели амалиётга тадбиқ этилиб, жорий йилнинг май ойида иш бошлаган ва 2018 йил 2 июль куни Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 246-тартиб рақами, 1704-сонли гувоҳномаси билан расман рўйхатга олинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертацияда фойдаланилган назарий манбалар давлат нашриётларида чоп этилган адабиётлардан, амалий маълумотлар эса давлат статистика қўмитаси тўпламларидан, китоблар маркази, хусусий китоб дўконлари статистик ва бухгалтерия ҳисоботларидан, муаллифнинг анкета сўровларига нашриёт-матбаа ижодий уйларида онлайн тизими орқали олинган жавоблардан шакллانганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг расмий кўриб чиқилганлиги ва ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, мамлакатимизда китоб савдосини бозор шароитига мос ҳолда ташкил этиш ва китобларни сотишнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш йўналишларини ишлаб чиқиш, китобхонликни ривожлантириш орқали аҳолининг маънавий савиясининг юксалишига қаратилган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ишлаб чиқилган илмий-услубий таклиф ва амалий тавсиялар китоб савдоси ва аҳолининг китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Китоб савдосининг ривожланиши ва унинг иқтисодий-ижтимоий самарадорлигини ошириш омиллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

нашриёт-матбаа ижодий уйлари маркетинг бўлими самарадорлигини оширишга қаратилган китобларни тарқатиш ва аҳолини китобга қизиқишини янада ошириш учун очик оммавий тақдимотни кучайтириш ҳамда бўлажак китобхонларни гуруҳ (сегмент)ларга ажратиш йўллари амалиётга жорий қилинди (Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2018 йил 24 апрелдаги 05-1506-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган таклифлар агентлик тизимидаги нашриёт-матбаа ижодий уйларидаги китоб маҳсулотларини сотиш борасидаги фаолияти ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, уларнинг рентабеллигини 2014 йилга нисбатан 2015 йилда ўртача 1,6 %га оширишга эришган;

нашриёт иши ва китоб савдосининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишда медиа-технологияларидан ва интернет реклама воситаларидан фойдаланиш ҳамда сотишда моддий рағбатлантиришни

такомиллаштирилган усуллари амалиётга жорий этилди (Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2018 йил 24 апрелдаги 05-1506-сон маълумотномаси). Илмий тавсия Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш ва китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сон қарорининг 3-бандини тайёрлашда фойдаланилган;

китобхонликни ривожлантириш ва китоблар нашрини кўпайтириш мақсадида нашр қилинган китобларни ҳудудларга тарқатиш бўйича улгуржи савдосини ривожлантириш, дўконларда хизмат кўрсатиш маданиятини малакавий кадрларни тайёрлаш эвазига ошириш таклифи амалиётга жорий этилган. (Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2018 йил 24 апрелдаги 05-1506-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянинг амалиётга жорий қилиниши Тошкент ва Наманган вилоятларидаги “Шарқ Зиёкори” китоб дўконлари савдо майдонларидан фойдаланиш коэффицентининг 1,3 мартага кўпайиши ва хизмат кўрсатиш маданиятининг оширилишини таъминлаган;

китоб савдоси ва китобхонликни ривожлантириш мақсадида “Ўзбекистон ноширлари ва китоб савдоси миллий ассоциацияси”ни нодавлат-нотижорт ташкилоти сифатида ташкил этиш ва унинг мақсади, вазифалари ҳамда бошқаруви таркиби бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2018 йил 24 апрелдаги 05-1506-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар натижасида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳузурида янги “Ўзбекистон ноширлари ва китоб савдоси миллий ассоциацияси” ташкил этилди ва 2018 йил май ойидан бошлаб фаолият кўрсатиб келмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та ҳалқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 9 та илмий иш, шундан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 та боб, 9 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг ҳажми 153 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ҳамда предметлари тавсифланиб, унинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган.



Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар рўйхати ҳамда диссертация тузилиши баён этилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Китоб савдосининг ривожланиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишнинг илмий-методологик асослари”** деб номланиб, унда аҳоли юксак маънавиятини шаклланишида китоблар савдосининг аҳамияти, Ўзбекистонда китоб савдосининг тарихи, хизматлар (сервис) соҳаларида китоблар чакана савдосининг ўрни ёритиб берилган.

Муаллиф фикрича, савдо маданияти ҳам умуминсоний маданиятининг бир қисми бўлиб, товарларни реклама қилиш, сотиш ва хизмат кўрсатиш жараёнларида харидорда озиқ-овқатларни истеъмол қилиш, кийимларни кийиш, уй-рўзғор товарларидан фойдаланиш, уйларни мебеллар ва бошқа товарлар билан жиҳозлаш маданиятини шаклланиши ва ривожланишига катта ҳисса кўшади. Шаҳарлар, қишлоқлар кўчалари ва гузарлари кўриниши – архитектураси ҳам юқори маданиятли савдо шохобчалари билангина кўркамлашади. Энг муҳими, аҳоли кайфиятини кўтаради, эртанги кунга ишончини оширади ва давлат сиёсати ҳақиқатда халқнинг фаровонлигига қаратилганлиги амалиётда ўз тасдиғини топади.

Савдода янги ишлаб чиқарилган товарларни аҳолига таклиф этиш ва сотиш орқали мамлакат ва жаҳондаги фан-техника ва технология ютуқлари ҳақида ахборот берилади ва уларни сотиб олиш учун ўз иш жойларида меҳнат унумдорлигини ошириш ва кўпроқ даромад олишга рағбатлантиради. Диссертацияда барча товарлар ва хизматлар бозори ўз хусусиятларига эга эканлиги ва “китоблар бозори эса, муаллифлар, ноширлар, матбаа корхоналари, китоб савдоси ва таълим муассасалари ҳамда китобсеварлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ифодалайди”, деб таъриф берилган. Китоб оддий товар эмаслиги, у комил инсонлар тафаккури жавоҳирларини йиғиб, авлодларга меърос қилиб қолдирадиган хазиналиги таъкидланган. Ўзбекистонда китоблар наشري ва савдоси тарихи ўрганилиб, жаҳонда энг қадимий уч минг йил олдин яратилган китоб – «Авесто» бизнинг ҳудудимиз – Хоразмда топилганлигини инобатга олинса, китоб савдосини Ўзбекистонда ривожланиши тарихи ҳам қандай узоқ даврларни ўз ичига олиши аниқ ҳақиқат. Китоб савдосининг келиб чиқиши ва тараққиёти ҳам минтақалар ва давлатлараро иқтисодий – савдо муносабатларини ривожланиши билан боғлиқ жараёнлар деган хулоса қилинган.

Китоб интеллектуал товар бўлганлиги учун, китоб савдоси, сотиш жараёни, китобхонларга хизмат кўрсатиш ва рекламаси ҳам махсус билимли мутахассисларни талаб этади. Китоб ижодий меҳнат маҳсули сифатида савдога чиқарилади. Китоб ва унинг савдосини юқоридаги ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олганда, китобни сотувчиси ҳам қуйидаги алоҳида фазилатларга эга бўлиши керак:

энг аввало, китобсевар, сабр-бардошли ва юқори маданиятли;


китоб бозоридаги барча ахборотларни билиши, нашриётлар

режаларидан ва чет эллардан келаётган китоблардан хабардор бўлиши;

китоб дўкони савдо залида ижодий муҳитни яратиши, харидорлар билан дўстона муносабатда суҳбатлашиши зарур. Диссертацияда хизматлар соҳаларида китоблар чакана савдосининг ўрни назарий ва амалий жиҳатдан асосланган. Китоблар бозори, китоб савдоси маданияти, китобхонлик маданияти тушунчаларига муаллифлик таърифлари берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Китоблар нашри ва савдосининг ривожланиш омиллари таҳлили**» деб номланиб, унда Ўзбекистонда нашриёт ва матбаа корхоналари фаолиятидаги сифат ўзгаришлари, китоб савдоси инфратузилмаси чакана савдо шохобчалари ҳамда китоблар чакана савдо айланмаси динамикаси тадқиқ этилиб, уларни режалаштириш ва прогнозлашнинг услубий асослари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги йилларида нашриёт ва матбаа корхоналари фаолиятидаги ўзгаришларни тадқиқ этиш жараёнида қуйидаги ҳолатлар аниқланди:



**1-расм. Ўзбекистонда китоблар нашри динамикаси<sup>5</sup>**

Республикада кейинги 2005-2010 йилларда нашр этилаётган адабиётлар тиражи 8,9 млн. нусхадан 28,5 млн. нусхагача кўпайган бўлса, аммо кейинги 6 йилда бу кўрсаткич 0,5 млн. нусхага камайган. Аҳоли жон бошига атиги 1

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси йиллик ҳисоботлар тўплами асосида ҳисобланди.

нусхадан ҳам китоб нашр этилмаган, унинг ҳам 80% ўқув адабиётларини ташкил этади. Электрон китоблар ҳам дарслик ва ўқув қўлланмаларидан иборат. Шунинг учун сотувга чиқарадиган китобларни ўзи жуда кам, 2016 йилда фақат 2239 номда китоблар нашр этилган холос, ривожланган давлатларда эса ўртача бир киши йилига 10-12 та китоб сотиб олмоқда. Демак, китоб савдосининг ривожлантириш учун биринчи навбатда китоблар нашрини бир неча баробарга кўпайтириш талаб этилмоқда. Ана шу муаммолар ечимини топиш учун, аввало 2013 йилда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ёрдамида, махсус анкета сўровлари (35 та савол) орқали нашриётлар муҳаррирлари ва раҳбарлари фикрлари ўрганилди ва қуйидаги ечимини кутаётган масалалар аниқланди:

нашриётлар бизнес режалари маркетинг тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилмаган, уларнинг кўпчилигида маркетинг бўлимлари тўлақонли шаклланмаган, малакали маркетинглар етишмайди;

китоб нашр этишнинг янада кўпайтириш мақсадида унинг муаллифларини ижодий имкониятларини ўрганиш, камида 2-3 йил олдин бўлажак нашрларни аниқлаш, нашриётлар режасига киритиш учун иқтидорли муаллиф ва профессионал нашриётчиларнинг бевосита ҳамкорликларини тизимли йўлга қўйиш, муаллифларни иқтисодий рағбатлантириш тизимини янгидан яратиш;

ҳозир нашриётчилар ва китоб савдо шохобчаларининг маҳаллий ҳокимиятлар тазйиқидан ҳимоя қилувчи махсус идораси йўқлиги сабабли, уларнинг ўртача 10 фоизгача йиллик даромадлари бизнес-режаларида кўзда тутилмаган йўналишларга мажбуран сарф қилинмоқда. Натижада муаллифларни ва сотувчиларни рағбатлантириш, рекламани кўпайтиришга маблағлари етишмайди;

китоб савдоси ва рекламасини ўзига хос хусусиятлари давлат солиқ кодекси, банкнинг кредитлаш тўғрисидаги, телерадиокомпаниялари ва маҳаллий ҳокимиятлар тўғрисидаги норматив ҳужжатларда тўла эътиборга олинмаган. Китоб савдосига рухсатнома, аренда ҳақи, патент тўлови, кредит фоизи, солиқлар, реклама харажатлари барча истеъмол товарлари савдоси билан тенглаштирилган. Китобларни сотиш муддати ҳам кредит беришда 90 кун деб белгиланган, амалиётда эса 2-3 баробаргача кўп вақт талаб этиб, бир йилгача давом этади;

Ўзбекистон китоблар бозорини ривожланган мамлакатлар даражасида ташкил этиш, унинг субъектлари: нашриёт-матбаа ижодий уйлари ва савдо корхоналари бозор фаолиятини маркетинг тадқиқотлари асосида бошқаришни тақозо этмоқда.

Юқоридаги муаммолар ечимини аввало, нашриёт-матбаа ижодий уйлари маркетинг бўлимлари ишини такомиллаштириш асосида ҳал қилишни назарда тутиб, уларнинг маркетинг фаолияти мақсадлари ишлаб чиқилди (2-расм).

Маркетинг мақсадларига эришиш жараёни махсус маркетинг бўлими орқали ташкил этилади. Китоб маркетингларининг асосий вазифаси – бўлажак китобга бўлган талабни аниқлашдан иборат.




**2-расм. Нашриёт-матбаа ижодий уйлари маркетинг фаолияти мақсадлари<sup>6</sup>**

Бунинг учун эса маркетинг тадқиқотларини ўтказиш талаб этилади. Нашриёт-матбаа корхонаси маркетинг фаолиятини шакллантириш, унинг бозор стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишнинг илмий асоси маркетинг тадқиқотлари натижасида яратилади. Маркетинг тадқиқотларининг мақсади - китоблар бозори субъектлари бўлган нашриёт, матбаа ва савдо корхоналари фаолиятларини, истеъмолчилар талабига мувофиқлаштириш тамойили, услуги ва воситаларини аниқлашдан иборат.

Ана шу мақсадларга эришиш учун китоб маркетинги стратегиясининг 6 «Р» қисмлари аниқланди (3-расм).

<sup>6</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида шакллантирилган.



**3-расм. Китоб маркетинг стратегиясининг 6 «Р» қисмлари<sup>7</sup>**

Нашриёт-матбаа ижодий уйлари маркетинг бўлимлари ишида “паблисити”дан нашриёт имижини ва омма томонидан унга бўлган яхши муносабатни ташкиллаштиришга йўналтирилган тадбирларни ўтказиш воситаси сифатида фойдаланишни таклиф этилди.

Бунинг учун нашриёт-матбаа ижодий уйлари маркетинг бўлимлари томонидан жамоатчилик билан ишлаш - «Паблик рилейшнз»нинг қуйидаги ўнта асосий йўналишидан фойдаланиш тавсия этилди:

жамоатчилик билан – касаба уюшмалари, ёшлар иттифоқи, хотин-қизлар кўмиталари, ёзувчилар уюшмаси, истеъмолчиларни ҳуқуқини ҳимоя қилиш федерацияси, савдо саноат палатаси, маҳалла кўмиталари ва бошқалар билан алоқалар ўрнатиш;

жамоатчилик билан муносабатларни такомиллаштириб бориш;

ҳукумат бошқаруви билан алоқада бўлиш;

жамоатчилик фикрини таҳлил этиб бориш;

саноат корхоналари билан алоқалар боғлаш;

молиявий муносабатларни ривожлантириш;

халқаро алоқаларни ўрнатиш;

китобсеварлар-истеъмолчилар билан узоқ муддатли муносабатлар ўрнатиш;

тадқиқот ва статистик маълумотлардан фойдаланиш;

оммавий ахборот воситалари билан алоқани мустаҳкамлаш.

Китоблар бозорини тадқиқ этишда, китобхонларни-истеъмолчиларни қуйидаги сегментларга ажратиш ўрганиш усуллари таклиф этилди (4-расм).

<sup>7</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида шакллантирилган.



**4-расм. Китоблар бозорини сегментлаш усуллари<sup>8</sup>**

Китоблар чакана савдо айланмасининг ўсиши ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлил этилганда қуйидаги ҳолатлар аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал кўрсаткичларидан маълум бўлишича, 2000-2016 йилларда босма нашрлар чакана савдо айланмасининг ўсиш суръати жами товарлар чакана савдосига қараганда пастроқ. Аммо 2010-2016 йиллардаги мазкур кўрсаткичларни таққослаганда, жами товарларни сотиш ҳажми 4,03 баробарга ошган бўлса, босма нашрлар чакана савдоси 4,3 мартага ошган. Демак мамлакатимизда китобга ва бошқа нашрларга бўлган муносабат кескин ўзгармоқда, бу эса аҳолининг маънавий-маданий савияси ўсиб бораётганлигини тасдиқлайди.

Аҳоли жон бошига 2016 йилда Республика бўйича ўртача 2158 сўмлик китоб сотилган бўлса, Навоий вилоятида - 7242 сўм, Тошкент шаҳрида - 7110 сўм, Хоразм вилоятида - 4880 сўм, Тошкент вилоятида - 3576 сўмни ташкил этди. Вилоятлар ичида, аҳоли жон бошига китоб сотиш кўрсаткичлари Бухоро ва Сурхондарёда ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида паст.

<sup>8</sup> Муаллифнинг тадқиқотлари асосида шакллантирилган.

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси бўйича истеъмол товарлари ва босма нашрлар чакана савдо айланмаси динамикаси<sup>9</sup>**

млн.сўм

Кўрсаткичлар	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2016 й.	2016 йилда ўсиш, марта	
					2000 й.га нисбатан	2010 й.га нисбатан
Жами товарлар чакана савдо айланмаси	1787530,0	5577409,1	21872831,4	88071600,0	49,3	4,03
Жумладан: босма нашрлар чакана савдо айланмаси-жами	5191,0	12156,6	50226,5	217351,1	41,9	4,3
Вилоятлар:	-	-	-	-	-	-
Андижон	170,8	345,2	1435,0	18442,9	108,0	12,9
Наманган	225,5	258,4	2465,9	11275,7	49,9	4,6
Самарқанд	753,3	1248,5	3386,3	28727,4	38,1	8,5
Фарғона	218,6	300,5	3622,3	12437,4	57,1	3,4
Тошкент ш.	2305,7	4849,9	15234,8	31715,5	13,8	2,1

Шу билан бирга Ўзбекистонда нашр этилаётган китоблар ҳажми озлигига қарамадан уларнинг 80% ўрта мактаблар орқали ижарага берилаётган дарслик ва ўқув қўлланмаларидан иборат.

Шунинг учун китоб магазинларини китоб таъминотини қийин аҳволга тушиши, сотиш харажатларини кўпайиши китоб савдосини банкротлик ҳолатига тушиб қолишига сабаб бўлмоқда (2-жадвал).

Китоблар марказини чакана савдо айланмаси 2016 йилда 2010 йилга нисбатан 15%га камайган бўлса, унинг давр харажатлари 2 баробаргача, сотиш харажатлари 40 мартагача, бошқа харажатлар 6 мартагача ошган. Сабаблари: сотиладиган китоблар тиражи камаймоқда, магазинлар ижара тўловлари, энг кам иш ҳақи ҳажми ҳам ошиб бормоқда (2-жадвал).

Китоблар чакана савдо ҳажмини қайси омиллар асосида ўсишини аниқлаш мақсадида корреляцион усул билан Наманган вилояти бўйича 2005-2016 йиллар кўрсаткичлари динамик қаторлар шакллантирилди. Натижада ҳар 1000 кишига тўғри келган китоблар магазинлари савдо майдонларини ўсиши умумий китоблар чакана савдо айланмаси 0,93 бирликка, аҳоли жон бошига даромадларининг ўсиши эса 0,41 бирликка ошишига таъсир кўрсатиши аниқланди.

<sup>9</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларида китоблар чакана савдо айланмаси жами босма нашрлар савдоси ҳажмига киритилган, фақат 2016 йилдан алоҳида кўрсатилди. Манба. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг йиллик статистик тўпламлари.

**Ўзбекистонда энг нуфузли «Шарқ Зиёкори» китоблар марказининг асосий кўрсаткичлари таҳлили<sup>10</sup>**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 й.	2016 й.
1.	Чакана савдо товар айланмаси	млн.сўм	3243,0	2753,1
2.	Ялпи даромад	млн.сўм	819,92	958,3
3.	Давр харажатлари	млн.сўм	464,55	923,3
	шу жумладан:			
	бошқарув харажатлари	млн.сўм	56,61	109,7
	Сотиш харажатлари	млн.сўм	13,54	534,9
	Бошқа харажатлар	млн.сўм	43,07	278,7
4.	Молиявий фаолият харажатлари	млн.сўм	60,09	-
5.	Солиқ ва йиғимлар	млн.сўм	192,87	152,7
6.	Соф фойда (зарар)	млн.сўм	+102,41	-0,5
7.	Фойдалилик (рентабеллик)коэффициентлари:	-	-	-
	Ялпи фойдалилик	Фоиз	25,3	3,5
	Соф фойдалилик	Фоиз	3,2	-

Демак, китоблар ассортиментини аҳолига яқинлаштириш, яъни китоб дўконлари сонини кўпайиши – китоблар чакана савдо айланмаси ҳажмини оширишнинг бош омилига айланиб қолмоқда.

Шунинг учун китоблар чакана савдо айланмасини янада кўпайтириш мақсадида мамлакат миқёсида қуйидаги давлат имтиёзлари таклиф этилди, жумладан:

ҳар бир шаҳар ва туманларда китоб савдосига ихтисослашган магазинларни ташкил этиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектларига фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини текин фойдаланиш учун берилиши зарур;

савдо айланмасида китоб сотиш улушининг ҳажми 70 фоиздан кўп бўлган юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 5-6 йилга умуман солиқлардан озод этиш.

Учинчи бобда **«Нашриёт ишлари ва китоблар савдосининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш омиллари»**ни аниқлаш мақсадида, китоб наشري ва савдосининг ташкил этиш ва бошқаришдаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва ундан фойдаланиш йўллари, нашриёт ишлари ва китоб савдосида маркетинг тамойилларини қўллаш, китоблар савдосида ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш йўналишлари ёритилган.

Ўзбекистонда электрон китоб савдосини ривожланиш даражаси хали паст (3-жадвал).

<sup>10</sup> «Шарқ Зиёкори» МЧЖ статистик ва бухгалтерия ҳисоботлари асосида тайёрланди.



**Ўзбекистонда биринчи ташкил этилган электрон китоб савдо  
магазини «Книжный мир» орқали Россияда нашр этилган китоблар  
сотиб олиш бўйича мурожаат қилган китобхон-истеъмолчилар сони<sup>11</sup>**

Истеъмолчи - ташкилотлар номи	Китоб сотиб олиш учун муурожаатлар сони (марта)
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети	3065
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети	2961
«GM UZBEKISTAN» АЖ.нинг Асака офиси	2959
«Даракчи» МЧЖ нашриёт уйи	2754
Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети	2530
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институту (MDIS)	2509
«Хусусий сектор» газета редакцияси	2044
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	2020
DHL EXPRESS Тошкент шаҳри	1997
И.М.Губкин номидаги нефть ва газ университети Тошкент филиали	1961
«Эхо Долины» радиостанцияси	1878
Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги	1844
М.В.Ломоносов номидаги МДУ Тошкент филиали	1794
Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети	2231
Тошкент Давлат шарқшунослик институту	2050
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети	1789
Тошкент Аква парки	1738
«Ташкентская неделя» газетаси	1580

Таклиф этилаётган китоблар асосан рус тилида ва Россияда нашр этилган. Демак, китобга талаб мамлакатимизда ҳам кўп, электрон савдо орқали сотишни кўпайтириш имкониятлари мавжуд. Ҳозир бизларда ҳам интернет китоб сайтлари кўпаймоқда, фақат кейинги йилларда kitobim.uz, akademnashr.uz, maslahatim.uz, ziyo.uz, hilolnashr.uz, uzbex.com O'zbekiston global savdo tizimi фаолият бошлади.

Китобларни интернет-магазин ва электрон почталар орқали сотиш бошқа товарларга қараганда аслида, қулайроқ ва икки баробар арзонроқ. Ҳозир барча ўқув муассасалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, бизнес субъектларида компьютерлар ишлатилмоқда, ундан ташқари аҳолининг кўпчилиги мобиль алоқа сервисидан фойдаланмоқда. Шунинг учун интернет ва электрон почта орқали китоблар ассортиментини реклама - намойиш қилиш, улар тўғрисидаги ахборотни тезда китобхонларга етказишнинг асосий йўналишига айланиши шарт.

<sup>11</sup> “Книжный мир” (akademkniga-uz@mail.ru) электрон почтасининг 2015 йил маълумотлари асосида тайёрланди

Китоб рекламаси ҳам интернет орқали ўта қулай, унинг муқоваси, муаллифи, аннотацияси, мундарижаси, баҳоси, сотиш тартиби, манзили ҳақидаги ахборот веб-сайтларга жуда осон юборилишига катта имкониятлар мавжуд. Аммо Ўзбекистонда қуйидаги муаммолар мавжуд:

интернет-магазинларни лойиҳалаштирувчи юқори малакали мутахассислар ва самарали, унча қиммат бўлмаган дастурларнинг камлиги;

интернет-магазинлар рекламасининг ўта сустлиги;

интернет-магазинлар товар ассортиментининг озлиги ва хизмат доираларининг чекланганлиги;

электрон тижорат соҳасига ҳали банк хизмати мослашмаганлиги ва бошқалар.

Муаллиф фикрича, китоблар нашрини кўпайтиришни асосий йўли - sales promotion – китоб муаллифларини моддий ва маънавий рағбатлантиришдан иборат. Шунинг учун замонавий маркетинг тамойили “сейлз промоушн” (sales promotion)-сотишни рағбатлантириш усулидан фойдаланиш зарурлиги асосланди.

Айниқса яхши китобларни нашр қилиш, унинг режасидан кўпроқ сотилиши ёки қайта нашр этилиши жараёнларида китоб муаллифларини моддий рағбатлантириш кўрсаткичлари улар билан нафақат нашриётлар билан тузилаётган шартномаларда, балки савдо корхоналари билан тузилаётган шартномаларда ҳам кўзда тутилиши шарт деб ҳисоблаймиз.

